

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ДАВЛАТ СТАНДАРТИ**

---

**Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълимнинг  
давлат таълим стандартлари**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги  
Юристар малакасини ошириш марказида  
юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга  
қўйиладиган**

**ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИ**

**Расмий нашр**

**ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

---

**Государственные образовательные стандарты  
непрерывного образования Республики Узбекистан**

**Государственные требования к переподготовке и повышению  
квалификации юристов в Центре повышения квалификации юристов  
при Министерстве Юстиции Республики Узбекистан**

**Официальное издание**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги**

**Тошкент**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ДАВЛАТ СТАНДАРТИ**

---

**Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълимининг  
давлат таълим стандартлари**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги  
Юристар малакасини ошириш марказида юристар кадрларни  
қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган**

**ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИ**

**Расмий нашр**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги**

**Тошкент**

## СЎЗ БОШИ

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ ВА ТАСДИҚЛАШГА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ.

2. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2020 йил "24" сентябрь даги 05-1413 сон Қарори билан ЖОРИЙ ЭТИЛДИ.

### 3. ДАСТЛАБКИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ

Ушбу стандартни ва унга бўлган ўзгартиришларни Ўзбекистон ҳудудида жорий этиш ҳақидаги ахборот “Ўзстандарт” агентлиги томонидан нашр этиладиган кўрсаткичида чоп этилади. Ушбу стандартни қайта кўриб чиқиш ёки бекор қилиш ҳақидаги мувофиқ ахборот “Ўзстандарт” агентлиги томонидан нашр этиладиган ахборот кўрсаткичида чоп этилади.

O'ZSTANDART AGENTLIGI  
STANDARTLASHTIRISH VA  
DAVLAT NAZORATINI  
BUSHQARMASI

Ушбу стандартни Ўзбекистон ҳудудида расмий чоп этиш мутлақ ҳукуқи “Ўзстандарт” агентлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

1. Қўлланиш соҳаси .....	1
2. Таърифлар .....	2
3. Юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими тузилмаси.....	3
4. Юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширувчи давлат органлари хамда ташкилотларининг ваколатлари .....	3
5. Юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг асосий турлари хамда шакллари .....	5
6. Юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг тақсимот режаси, ўқув дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....	6
7. Ўқув юкламасининг ҳажми .....	7
8. Юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш талаблари. Умумий малака талаблари .....	7
9. Касбий малака талаблари.....	9
10. Юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари тингловчиларига бериладиган хужжатлар .....	15
11. Юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий хужжатлар .....	15
12. Марказда ўқув жараёнини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш .....	15
13. Малака талаблари объектининг тавсифи .....	16
14. Бошқа хужжатлар билан ўзаро алоқадорлиги .....	16
Библиографик маълумотлар .....	17
Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари .....	18

O'ZDST QURITISH AGENTLIGI  
 DAVLAT NAZORATINI  
 MUVOFIQLASHTIRISH  
 BOSHQARMASI

## Кириш

Юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари (бундан кейин матнда Давлат талаблари деб юритилади) “Таълим тўғрисида”ги, “Адвокатура тўғрисида”ги, “Нотариат тўғрисида”ги, “Медиация тўғрисида”ги, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2018 йил 13 апрелдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5415-сон Фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3666-сон Қарори, 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида қўйиладиган мажбурий талабларни белгилайди.

Давлат талаблари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказининг (бундан буён матнда – Марказ деб юритилади) мақсад ҳамда вазифаларини ҳисобга олган, таълим олувчиларнинг эҳтиёжини қондириш ва меҳнат қилиш жараёнини демократлаштиришни кўзда тутган ҳолда яратилган.

Мазкур давлат талаблари юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш йўналишидаги ўқув жараёнини, таълим сифатини назорат қилиш ҳамда баҳолашни амалга ошириш қоидаларини тартибга соладиган бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

Давлат талаблари мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти истиқболлари, ҳуқуқий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимидаги туб ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда тўлдирилиши ва ўзгартирилиши мумкин.

DAVLAT NAZORATINI  
MUVOFIQLASHTIRISH  
BOSHQARMASI

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ДАВЛАТ СТАНДАРТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ  
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИДА  
ЮРИСТ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИ**

**ГОСУДАРСТВЕННЫЕ ТРЕБОВАНИЯ К ПЕРЕПОДГОТОВКЕ  
И ПОВЫШЕНИЮ КВАЛИФИКАЦИИ ЮРИСТОВ  
В ЦЕНТРЕ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ ЮРИСТОВ ПРИ  
МИНИСТЕРСТВЕ ЮСТИЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**STATE REQUIREMENTS FOR RE-TRAINING  
AND FURTHER TRAINING OF LAWYERS  
AT THE LAWYERS' TRAINING CENTER UNDER THE MINISTRY OF  
JUSTICE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

Жорий этиш санаси 2020 йил "27" сентябрь дан

**1. Қўлланиш соҳаси**

1.1. Давлат талаблари юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш фаолиятини ташкилий ҳамда илмий-услубий жиҳатдан таъминлаш учун қўлланилиб, қуйидагиларни белгилаб беради:

юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими тузилмасини;

юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг асосий турлари ҳамда шаклларини;

юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг мазмуни ҳамда сифатига қўйиладиган умумий талабларни;

юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш турлари учун ўқув юкламалар ҳажмини;

юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг сифатини назорат қилиш ҳамда баҳолаш мезонлари ва механизмларини.

**Расмий нашр**



1.2. Мазкур Давлат талаблари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказига ўқишга юбориладиган адлия органлари ва муассасалари ҳамда адвокатура ходимлари, давлат бошқарув органлари ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар бошқа ташкилотларнинг юридик хизмати ходимлари (юрисконсултлар) ҳамда ноюридик маълумотга эга бўлган ходимлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш учун масъул бўлган ходимлар, интеллектуал мулк соҳаси ва патент вакиллари шунингдек, ахборот хизмати вакиллари ҳамда бошқа вазирлик, идора, ташкилот ва муассасалар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимлари ҳамда медиаторларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун амал қилади.

## 2. Таърифлар

Мазкур давлат талабларида қуйидаги атамалар қўлланилади:

**Касбий қайта тайёрлаш (ихтисослашув)** - юридик фаолиятни юритиш учун зарур ва етарли ҳажмда таълим йўналиши бўйича янги касбий билимлар, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш.

**мавзуй режа** – ўқув дастури бўйича мавзулар, машғулотлар соати, машғулотни ўтувчилар ва ўқув услубий воситалари кўрсатилган ҳужжат;

**малака амалиёти** – қайта тайёрлаш курси ўқув дастурининг тегишли қисмида ихтисослик курси бўйича назарий билимларини мустаҳкамлаш ва амалий кўникма ҳосил қилиш ҳамда материаллар тўплаш учун ўтказиладиган ўқув жараёнининг бир қисми;

**малака ошириш** – аниқ йўналтирилган дастурларга мувофиқ ҳуқуқни қўллаш соҳаси бўйича билимлар, касбий маҳорат ва кўникмаларни янгилаш бўйича ўқув дастурларини ўзлаштириш.

**малака талаблари** – жамиятда ҳуқуқий билим, маданият ва онг бўйича миллий дастурида замонавий юридик фаолият билан шуғулланувчи шахс учун белгиланган талаблар мажмуи;

**масофавий малака ошириш** – ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолдаги масофадан ўқитиш таълим усуллари орқали малака оширишнинг онлайн (видео маърузалар, маслаҳатлар, назорат турларини масофадан туриб реал вақт режимида ўтказиш) ва офлайн (масофавий таълим тизимидаги тегишли ўқув-методик ресурсларни мустақил равишда ўзлаштириш) шакли;

**таълим сифатини назорат қилиш** – ўқитиш мазмуни ва натижаларининг давлат талабларига мувофиқлигини текшириш;

**тингловчилар** – Марказ директорининг буйруғи билан қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсларига қабул қилинган адлия органлари ва муассасалари ҳамда адвокатура ходимлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви

органлари, ташкилий-хуқуқий шаклидан қатъи назар ташкилотларнинг юридик хизмати (юрисконсултлари) ҳамда ноюрдик маълумотга эга бўлган ходимлари, норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш учун масъул бўлган ходимлар, интеллектуал мулк соҳаси ва патент вакиллари шунингдек, ахборот хизмати вакиллари ҳамда бошқа вазирлик, идора, ташкилот ва муассасалар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимлари, низоларни судгача ҳал этиш мақсадида икки томондан баҳс-мунозарани тартибга солиш учун жалб қилинувчи шахслар (медиаторлар);

**ўқиш сифатини назорат қилиш** – тингловчиларнинг билим савиясини текшириш ва ўқув дастурини ўзлаштириш даражасини аниқлаш;

**ўқитиш муддати** – тингловчилар томонидан ўқув дастурлари ўзлаштирилиши учун белгиланган муддат;

**ўқув дастури** – ўқув курси мазмуни, мавзулари, унинг тингловчилар томонидан ўзлаштирилишининг энг мақбул усуллари, ахборот манбалари кўрсатилган ҳужжат;

**яқуний синов** – малака талабларига мувофиқ, маълум талаб ва тартиб (синов имтиҳони ёки суҳбат) воситасида тингловчи томонидан ўқув дастурларининг ўзлаштирилиши сифатини баҳолаш.

### **3. Юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш давлат органлари тизими тузилмаси**

3.1. Юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширувчи давлат органлари тизими қуйидагилардан иборат:

3.1.1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.

3.1.2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази.

3.1.3. Адлия органлари ва муассасалари, адвокатура, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда ташкилий-хуқуқий шаклидан қатъи назар, бошқа идора ва ташкилотлар (бундан буён матнда – Буюртмачи ташкилот деб юритилади).

### **4. Юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширувчи давлат органлари ҳамда ташкилотларининг ваколатлари**

4.1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлайди, юрист кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимига умумий раҳбарлик қилади ҳамда бу фаолиятни такомиллаштириш механизмлари ҳамда усулларини белгилайди;



қайта тайёрлаш ва малака оширишга жалб этиладиган юрист кадрлар контингентини белгилайди;

бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш йўналишидаги таълим муассасасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чораларини кўради;

ўқув дастурларини келишади;

хар йиллик малака ошириш ва қайта тайёрлаш контингенти тақсимот - режасини тасдиқлайди.

4.2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази:

юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқади;

қонунчилик ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижаларини юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнига жорий этади;

юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқади;

юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув дастурлари, мавзуй режаларини ишлаб чиқади ҳамда Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан келишилган ҳолда тасдиқлайди;

юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича илғор хорижий тажрибани умумлаштиради ҳамда таълим жараёнига татбиқ қилади;

тасдиқланган режа-жадвалга асосан ишдан ажралган, шу жумладан, масофавий ўқитиш услубларини қўллаган ҳолда, адлия органлари ва муассасалари ҳамда адвокатура ходимлари, давлат бошқарув органлари ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар ташкилотларнинг юридик хизмати ходимлари (юрисконсултлар) ҳамда ноюрidik маълумотга эга бўлган ходимлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш учун масъул бўлган ходимлар, интеллектуал мулк соҳаси ва патент вакиллари шунингдек, ахборот хизмати вакиллари ҳамда бошқа вазирлик, идора, ташкилот ва муассасалар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимларини, медиаторларни янги, замонавий илмларга асосланган ҳолда қайта тайёрлайди ва малакасини оширади;

ўқув курслари якуни бўйича тингловчилар билимларини баҳолайди.

4.3. Буюртмачи ташкилот:

юрист кадрларни **қайта тайёрлаш ва малакасини** оширишга бўлган эҳтиёжини аниқлайди, уларни қайта тайёрлаш ҳамда малака оширишга юбориладиган контингентини шакллантиради ва тасдиқланган тақсимот-

режа асосида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун юборишни таъминлайди.

## **5. Юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг асосий турлари ҳамда шакллари**

5.1. Юрист кадрларни қайта тайёрлаш ҳуқуқни қўллаш амалиётига қўйиладиган талаблар ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ўқув дастурлари бўйича янги касбий билимларни, малака ва кўникмаларни ўзлаштиришни ўз ичига олади.

Юрист кадрларни қайта тайёрлаш касбий қайта тайёрлашга асосланади.

5.2. Касбий қайта тайёрлаш (ихтисослашув) юридик фаолиятни ҳуқуқни қўллаш соҳасининг талаб этиладиган сифатини таъминлайдиган даражада юритиш учун зарур ҳамда етарли ҳажмда янги касбий билимлар ва малакаларни ўзлаштиришдир.

Юрист кадрларни касбий қайта тайёрлаш, қоида тариқасида, буюртмачи ташкилотлар талаби ёхуд меҳнат бозорининг талаб-эҳтиёжлари билан белгиланадиган айрим юристларнинг ёки бошқа олий маълумотли мутахассисларни янги йўналишга қайта ихтисослашуви муносабати билан ташкил этилади.

Юрист кадрларни қайта тайёрлаш ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда Юристлар малакасини ошириш марказида амалга оширилади.

Қайта тайёрлаш иккинчи олий маълумот ёки ўрта махсус касб-хунар таълими бўлиб ҳисобланмайди.

5.3. Юрист кадрлар малакасини ошириш ҳуқуқни қўллаш соҳаси бўйича касбий маҳорат доимий равишда ўсиб боришини таъминлайдиган билимлар, касбий малака ҳамда кўникмаларни мунтазам равишда янгилаб боришдир.

5.4. Малака ошириш тўғридан-тўғри ва билвосита шаклларда амалга оширилади.

5.5. Тўғридан-тўғри малака ошириш:

Марказда таълим дастурлари бўйича ўқитиш;

таълим дастурлари бўйича жойларда сайёр ўқитиш;

ўқув модуллари асосида масофавий ўқитиш;

хорижда тажриба орттириш шаклида амалга оширилади.

5.5.1. Юристлар малакасини ошириш марказида ўқитиш давлат талабларига асосланган, шунингдек Марказ томонидан ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар билан келишилган ҳолда тасдиқланган ўқув дастури бўйича аниқ мақсадга қаратилган касбий таълимни ўзлаштиришдан иборат.

5.5.2. Юрист кадрларнинг хорижда тажриба орттириши хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан мамлакатимиз таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашиш учун ажратилган грантларга мувофиқ, шунингдек таълимни бошқариш органлари билан таълим муассасалари, мамлакатимиз юридик йўналишидаги ўқув юртлири билан хорижий юридик илмий марказлари ўртасида тузилган шартномалар асосида, халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатларнинг қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга ихтисослашган таълим марказларида амалга оширилади.

5.6. Билвосита малака ошириш (ўқув дастурларисиз ўқитиш) илмий, илмий-амалий семинарлар, конференциялар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларда катнашиш ҳамда маърузалар билан чиқиш орқали амалга оширилади.

Илмий, илмий-амалий ва илмий-услубий семинарлар, конференциялар ҳамда давра суҳбатларида катнашиш юридик фани ва амалиётининг муҳим муаммоларини ҳал этишга, юристлар фаолиятининг юқори сифатини таъминлашга йўналтирилган долзарб мавзулар бўйича маърузалар билан чиқиши ва иштирок этишидир. Олдиндан маълум бўлган мавзу бўйича маъруза (ахборот) тайёрлаш жойларда тегишли тадқиқотлар олиб борилишини ва белгиланган тартибда эълон қилиш учун маърузалар тезислари тайёрланишини назарда тутати.

## **6. Юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг тақсимот режаси, ўқув дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

6.1. Юрист кадрларни қайта тайёрлашнинг мазмуни улар янги билимлар ва кўникмаларни ўзлаштиришига, малака ошириш эса уларнинг касбий билимлари ҳамда кўникмаларини янгилаш ва чуқурлаштиришга йўналтирилган.

6.2. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш сифати тингловчилар тайёргарлигининг зарур ва етарли даражаси, уларнинг билими, касбий маҳорати юрист кадрларга қўйиладиган малака талабларига мувофиқлиги билан белгиланади.

6.3. Қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг мазмуни ҳамда сифатига қўйиладиган талаблар тегишли ўқув дастурлари билан белгиланади.

6.4. Юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув дастурлари мазмунига қўйиладиган талаблар:

касб йўналишига оид янги билимлар, малака ва кўникмаларни шакллантириш;

қонунчилик соҳасидаги сўнги янгиликлар, ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш;

норма ижодкорлиги ва қонунчилик техникаси қоидаларини тушуниш;

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги ислохотлар, уларнинг ҳуқуқий асосларини тушунтириб бериш;

суд-ҳуқуқ соҳасининг долзарб масалаларини ёритиб бериш;

ҳуқуқни қўллаш амалиётида вужудга келаётган муаммоларни ҳал қилишнинг самарали механизмларини ақс эттиришдан иборат.

6.5. Дастурларнинг мазмуни малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг белгиланган турлари ҳамда шакллариға мувофиқ бўлиши лозим.

## **7. Ўқув юкламасининг ҳажми**

### **7.1. Қайта тайёрлаш**

7.1.1. Кадрларни қайта тайёрлашнинг муддати камида 16 ҳафта (576 соат) қилиб белгиланади.

7.1.2. Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади.

7.1.3. Аудитория соатларининг энг юқори қисми ҳафтасига 36 соатдан ошмаслиги керак.

### **7.2. Малака ошириш:**

7.2.1. Кадрлар малакасини оширишнинг муддати камида 2 ҳафта (72 соат) этиб белгиланади ва ишдан ажралган ҳолда амалга оширилади.

7.2.2. Қонунчиликдаги янгиликлар ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг долзарб масалаларини ҳуқуқни қўллаш амалиётига самарали татбиқ этиш мақсадида буюртмачи ташкилотларнинг талаби бўйича қисқа махсус малака ошириш курслари ташкил этилиши мумкин.

7.2.3. Ҳар бир юридик фаолият билан шуғулланувчи кадр, агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ҳар уч йилда камида бир марта малака оширишининг тегишли йўналишлари бўйича малакасини ошириши шарт.

7.2.4. Малака оширишнинг тўғридан-тўғри шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соат этиб белгиланади.

## **8. Юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш талаблари**

Умумий малака талаблари:



8.1. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурида замонавий юрист жавоб бериши керак бўлган талаблар мажмуи белгиланган бўлиб, қуйидагилар мутахассиснинг юридик фаолиятга тайёрланганлигининг зарур ва етарли даражасини таъминлайдиган асосий (фундаментал) талаблар ҳисобланади:

Конституция ва қонунларимизда белгиланган инсон ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигига риоя қилиш;

ҳуқуқ нормаларини тўғри тушуниш, уни адолат принциплари асосида қўллаш билиш;

ҳуқуқий маданият савияси ва ҳуқуқий тарбия маҳорати кўникмаси;

юридик фаолият жараёнида ишни адолатли ҳал қилиш, инсонийлик ва қонунийлик омилларини таъминлайдиган бошқа фазилат ҳамда шахсий сифатларга эга бўлиш;

юридик муаммоларни холислик билан ҳал қилиш ва баҳолаш маҳорати.

8.2. Конституция ва қонунларимизда белгиланган инсон ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигига риоя қилиш маҳорати қуйидаги талаблар билан белгиланади:

инсон ҳамда фуқароларнинг Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини мукамал билиш;

инсон ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига оид конституциявий ва бошқа ҳуқуқий нормаларнинг моҳияти ҳамда мазмунини тўғри англаш, уларнинг амалда ижросини таъминлаш коидаларига риоя қилиш.

8.3. Ҳуқуқ нормаларини тўғри тушуниш, уни адолат принциплари асосида қўллаш билиш маҳорати қуйидаги талаблар билан белгиланади:

юристлик касбига лаёқат ва эрудицияга эга бўлиш;

ҳуқуқий психологик жиҳатдан етук бўлиш;

мустақил ҳуқуқий фикрлаш ва янги ҳуқуқий билимларни эгаллаш олиш;

янги ҳуқуқий ахборот технологияларини эгаллаганлик, Интернет жаҳон ахборот тармоғи билан ишлаш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлиш;

юридик фаолиятларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигидан фойдаланиш маҳоратига эга бўлиш;

юристнинг одоб-ахлоқ коидалари, муомала ҳамда нотиклик санъати асосларини мукамал билиш;

ўзи танлаган юридик фаолиятни тартибга солувчи қонунларни пухта билиш ва сиёсий-ҳуқуқий тизимнинг асосий атамалар ҳамда тушунчаларини билиш.

8.4. Ҳуқуқий маданият савияси ва ҳуқуқий тарбия маҳорати кўникмаси:

хуқуқий маданият ва хуқуқий тарбия жараёнининг узвийлиги; хуқуқий маданият ва хуқуқий тарбиянинг уйғун ривожланган баркамол шахсни шакллантиришга, юксак хуқуқий маданий ва маънавий савияни қарор топтиришга, юристнинг юксак фазилат ва шахсий сифатларига, унинг ватанпарварлик, хуқуқшуносликнинг юксак нуфузи ва обрў-эътиборини, юристлик бурчини ҳис этишига, инсонпарварлик ва одамийликнинг юксак анъаналари асосидаги тайёргарликка шунингдек, одамлар ўртасида хуқуқий-тарбиявий ишларни ташкил этиш билан белгиланади.

8.5. Юридик фаолият жараёнида ишни адолатли ҳал қилиш, инсонийлик ва қонунийлик омилларини таъминлайдиган бошқа фазилат ва шахсий сифатларга хусусан, адолатлилик, одиллик, инсонпарварлик, қонунийлик, талабчанлик, ҳаққонийлик, ҳалоллик, меҳрибонлик, хушмуомалалик ва касб-малака билан узвий масъуллик киради. Фазилат ва шахсий сифатлар юридик фаолият сифати ва маҳоратига таъсир кўрсатади.

8.6. Юридик муаммоларни холислик билан ҳал қилиш ва баҳолаш маҳорати, энг аввало хуқуқий-психологик жиҳатлар билан белгиланади. Юрист хуқуқий муаммоларни ҳал қилишда холисона баҳолаш принциплари, усуллари ва механизмларини билиши, ўз фаолияти натижаларида адолат принципига асосланишига, одамларни ишонтириш маҳоратига эга бўлиши керак.

Умумий талаблардан ташқари юрист кадрларга фаолият турига кўра, алоҳида талаблар қўйилади.

## **9. Касбий малака талаблари**

9.1. Адлия органлари ва муассасалари ходимлари:

қабул қилинаётган соҳавий янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, давлат ва жамият қурилиши соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари тўғрисида яхлит тасаввурга эга бўлиши;

норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка, халқаро шартномалар нормаларига, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини, уларни коррупцияга, бошқа хуқуқбузарликларни содир этишга шарт-шароит яратувчи шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар учун ортиқча маъмурий ва бошқа чекловларни жорий этувчи қоидалар ва нормаларни аниқлаш нуқтаи-назаридан хуқуқий экспертизадан ўткази олиш;

қонун ҳужжатларидаги хуқуқий нуқсонларни, коррупцияга, бошқа хуқуқбузарликларни содир этишга шарт-шароит яратувчи шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар учун ортиқча маъмурий ва бошқа чекловларни

жорий этувчи қоидалар ва нормаларни аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлай олиш борасида билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.

### 9.2. Нотариуслар:

қабул қилинаётган соҳавий янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, давлат ва жамият қурилиши соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари тўғрисида яхлит тасаввурга эга бўлиши;

битимлар мазмуни, турлари ва уни тасдиқлашнинг умумий қоидаларини билиши;

мерос мулкани кўрикланишига доир чора-тадбирлар кўра олиш;

меросга бўлган ҳуқуқ, эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар бериш;

ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини, ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлаш;

фуқаронинг тирик эканлиги, юридик шахснинг раҳбар органи томонидан қарор қабул қилинганлиги, фуқаронинг муайян жойда эканлиги, фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини фактини, ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари ва (ёки) бошқа ҳужжатларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топшириш, пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиш, ижро хатларини ёзиш, ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиб олиш юзасидан билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.

### 9.3. Давлат хизматлари агентлиги ходимлари:

қабул қилинаётган соҳавий янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, давлат ва жамият қурилиши соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари тўғрисида яхлит тасаввурга эга бўлиши;

ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бартараф этиш шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлай олиш;

давлат хизматлари ягона реестрини шакллантириш, мазкур соҳада давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштира олиш;

давлат хизматлари кўрсатишда фойдаланиладиган ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, жорий

этиш ва интеграция қилишга ягона ёндашувларни ишлаб чиқишда иштирок эта олиш;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида, шу жумладан тегишли ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларини жорий этиш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини назорат қила олиш ва самарадорлигини баҳолай олиш;

давлат хизматлари кўрсатишнинг инновацион шакллари ва услубларини жорий этишни ташкил қила олиши, мазкур соҳада қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.

9.4. Интеллектуал мулк соҳаси ва патент вакиллари – интеллектуал мулк агентлиги ходимлари ва мутахассислари, патент вакиллари, патент вакилликка номзодлар, патентловчилар, интеллектуал мулк соҳасида илмий-тадқиқот ва илмий изланишлар олиб бораётган шахслар ва интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро экспертлари:

қабул қилинаётган соҳавий янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, давлат ва жамият қурилиши соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари тўғрисида яхлит тасаввурга эга бўлиши;

интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш;

интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси ҳолатини комплекс таҳлил қилиш, ушбу соҳасини ривожлантириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш;


интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

интеллектуал мулк масалалари бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликни, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ўзаро муҳофаза қилиш ҳақидаги халқаро шартномаларни тузиш орқали йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш;

интеллектуал мулк соҳасидаги илмий-тадқиқот ва бошқа ишларни ўтказишда иштирок этиш;

жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва интеллектуал мулкка нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантира олишга оид билим ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим.

9.5. Адвокатура ходимлари:





қабул қилинаётган соҳавий янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, давлат ва жамият қурилиши соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари тўғрисида яхлит тасаввурга эга бўлиши;

ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотномалар бера олиш;

ҳуқуқий хусусиятдаги аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳужжатларни туза билиш;

фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишлари ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича судда, бошқа давлат органларида, жисмоний ва юридик шахслар олдида вакилликни амалга ошира олиш;

жиноят ишлари бўйича терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов босқичида ва судда ҳимоячи, жабрланувчининг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар сифатида иштирок эта олиш;

тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсата олиш, ҳакамлик судида ва халқаро тижорат арбитражида (судида) вакилликни амалга ошира олиш билан боғлиқ билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.

#### 9.6. Медиаторлар:

қабул қилинаётган соҳавий янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, давлат ва жамият қурилиши соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари тўғрисида яхлит тасаввурга эга бўлиши;

Ўзбекистон Республикасида медиация институтининг ҳуқуқий асослари, унинг ўзига хос хусусиятлари, мазмун ва моҳияти ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши;

фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан келиб чиқадиган низоларга шунингдек, яқка меҳнат низоларига ва оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга медиацияни қўллаш борасида билимга эга бўлиши;

медиацияни олиб бориш технологияси, усуллари, стресс ва низоли вазиятларни бошқариш ҳамда медиаторнинг одоб-ахлоқи ва шахсий кўникмаларига эга бўлиши лозим.

9.7. Давлат бошқаруви органлари ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, бошқа ташкилотларнинг юридик хизмати ходимлари (юрисконсультлар) ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш учун масъул бўлган ходимлар:

қабул қилинаётган соҳавий янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-

моҳияти, давлат ва жамият қурилиши соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари тўғрисида яхлит тасаввурга эга бўлиши;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил эта олиш;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилаётган (қабул қилинаётган) норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бора олиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида уларнинг таркибий тузилмалари ишини мувофиқлаштира олиш;

давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказишда иштирок эта олиш;

шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, давлат органлари ва ташкилотларининг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлай олишга оид билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.

9.8. Ҳуқуқий мавзуларни ёритадиган журналистлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари раҳбар ва ходимлари:

қабул қилинаётган соҳавий янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, давлат ва жамият қурилиши соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари тўғрисида яхлит тасаввурга эга бўлиши;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар имижини шакллантириш ва ривожлантириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ҳақида жамоатчилик фикрини, ижтимоий сўровлар ўтказиш ва бошқа шакллар орқали ўрганиш ва унга таъсир кўрсата олиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг оммавий ахборот воситаларида мунтазам чиқишларини ташкил этиш;

ахборот майдони мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш, давлат органи ва бошқа ташкилотлар фаолиятини юзасидан танқидий-таҳлилий, аҳолининг кенг муҳокамасига сабаб бўлаётган чиқишларга тезкор муносабат

билдириш, оммавий ахборот воситаларида, Интернет жаҳон ахборот тармоғида материаллар тарқатиш ишларини ташкил этиш;

давлат органи ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш учун хабар, маълумот, шарҳ ва бошқа ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлаш;

ўзи мансуб бўлган ташкилот фаолиятига нисбатан жамоатчилик фикрини ҳамда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг позициясини ўрганиш, зарур таклифларни ишлаб чиқиш ва улар тўғрисида раҳбариятига ахборот бериш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятига алоқадор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳамда уларнинг тасдиқланган матнини расмий веб-сайтга жойлаштириш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятига алоқадор матнли, фото, аудио ҳамда видеоматериаллардан иборат маълумотлар банкини шакллантириш ва янгилаб бориш билан боғлиқ билим ҳамда кўникмаларга эга бўлиши лозим.

9.9. Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлимлари ходимлари:

қабул қилинаётган соҳавий янги қонунлар ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, давлат ва жамият қурилиши соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари тўғрисида яхлит тасаввурга эга бўлиши;

туғилиш, ўлиш, никоҳ тузиш ва никоҳдан ажралиш, фамилия, исм ва ота исминини ўзгартириш каби воқеа ҳамда фактларни кенг қамровли қайд этиш йўли билан фуқароларнинг шахсий ва мулкый ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлай олиш;

энг муҳим юридик фактларни қайд этмасдан қолдириш оқибатларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ва жамиятда қонун устуворлигини мустаҳкамлашга қаратилган кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришга оид билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.

9.10. Давлат бошқаруви органлари ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, бошқа ташкилотларнинг ноюридик маълумотга эга бўлган ходимлари:

қабул қилинаётган соҳавий янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, давлат ва жамият қурилиши соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари тўғрисида яхлит тасаввурга эга бўлиши;

мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболлари ҳақида умумий тушунчага эга бўлиш;

ҳуқуқ нормаларини тўғри тушунишни шакллантириш;

ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият савияси ҳамда ҳуқуқий тарбия маҳорати кўникмасига эга бўлиш;

соҳадаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар талабларини ўрганиш орқали касбий билимлари ҳамда кўникмаларини янгилаш ва чуқурлаштириш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида ҳуқуқни қўллашнинг замонавий талаблари тўғрисида умумий тасаввурга бўлиш;

соҳани ривожлантириш ва модернизация қилиш ҳиссини шакллантира олишга оид билим ва кўникмаларга эга бўлиш;

соҳа йўналишидан келиб чиқиб, хорижий давлатлар тажрибасига оид билимлар эга бўлишлари лозим.

9.11. Шунингдек, бошқа касблар бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш ишлари амалга оширилиши мумкин.

## **10. Юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари тингловчиларига бериладиган ҳужжатлар**

10.1. Юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларини муваффақиятли ўзлаштирган ва ўқув курси талабларини тўлиқ бажарган тингловчиларга белгиланган тартибда тасдиқланган давлат намунасидаги қайта тайёрлаш ҳақидаги диплом ва малакасини ошириш ҳақидаги сертификат берилади.

## **11. Юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

Юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мазкур давлат талаблари, тегишли низомлар, ўқув дастурлари шунингдек, таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари томонидан белгиланган тартибда ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган бошқа ҳужжатлар киради.

## **12. Марказда ўқув жараёнини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш**

12.1. Юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини назорат қилиш:

**ички назорат** – Марказ томонидан ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлиги тасдиқлаган тартиб асосида ўтказилади;

**ташқи назорат** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади;

**давлат ва жамоатчилик назорати** – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, жамоат ташкилотлари ва буюртмачи ташкилот томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади;

**яқуний назорат** – тингловчиларнинг касбий фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда малака ошириш курси дастурига асосан ўтилган мавзулар бўйича, қайта тайёрлаш курслари тингловчилари учун – синов имтиҳони, малака ошириш курслари тингловчилари учун – суҳбатдан ўтишни ўз ичига олади ва ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

12.2. Марказнинг юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш фаолиятини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 470-сон қарори билан тартибга солинади.

12.3. Марказ томонидан тингловчиларнинг компетентлигини баҳолаш ва назорат қилиш тизими – тингловчиларнинг касбий фаолиятига максимал даражада яқин бўлиши учун шароитлар яратилишини назарда тутиши керак. Бу мақсадда мазкур жараёнга муайян фан ўқитувчиларидан ташқари ташқи экспертлар сифатида кадрлар буюртмачилари, турдош фанлардан дарс берувчилар ва бошқалар фаол жалб этилиши мумкин.

### **13. Малака талаблари объектининг тавсифи**

Мазкур Давлат талаблари Марказнинг қайта тайёрлаш курслари ва малака ошириш курслари тингловчиларига қўйиладиган талабларни белгилаб беради.

### **14. Бошқа ҳужжатлар билан ўзаро алоқадорлиги**

Давлат талаблари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказида таълим жараёнини бошқаришнинг яхлит тизимини ташкил этадиган ҳужжатлар мажмуидан ўрин олган.

STANDART AGENTLARI  
STANDARTLASHIRISH VA  
DAVLAT NAZORATINI  
MUVOFIQLASHTIRISH  
BOSHDARMASTI

**Библиографик маълумотлар**

УДК:002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

**Таянч сўзлар:**

Давлат талаблари, Марказ, қайта тайёрлаш, малака ошириш, малака ошириш шакллари, тингловчи, касбий фаолият йўналиши, касбий фаолият тури, ўқув дастури, юклама, юклама ҳажми, ўқув жараёни, малакавий амалиёт, баҳолаш, ички назорат, ташқи назорат, масофавий таълим, моддий-техник база, яқуний синов имтиҳони, ишлаб чиқариш, илмий-тадқиқот жараёнлари, махсус техника ва воситалар, юрист кадрлар, юридик фаолият, адлия органлари ходимлари, адвокатура ходимлари, юридик хизмати ходимлари, ноюридик маълумотга эга бўлган ходимлар, бошқа ташкилот ва идоралар ходимлари.

STANDART  
DAVLAT NAZORATINI  
MUVOFIQLASHTIRISH  
BOSHQARMASI

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
кошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази



М.У.

Директор А.Бурханов А.Бурханов

2020 йил "15" январь

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирининг  
ўринбосари



М.У.

А.Ташкулов А.Ташкулов

20 20 йил "20" январь

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим  
вазири ўринбосари



М.У.

У.Бегимқулов У.Бегимқулов

20 20 йил "20" январь

Ўзбекистон Республикаси  
Адвокатлар палатаси раисининг  
биринчи ўринбосари

Ш.Садиков Ш.Садиков

20 20 йил "20" январь



М.У.

ЎЗСТАНДАРТ АГЕНТЛИГИ  
СТАНДАРТИЛТИРИШ ВА  
ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ  
МУВОФИҚЛАСHTИРИШ  
БОШҚАРМАСИ